0071364 0004856 2795 40

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MULKINI BOSHQARISH VA TADBIRKORLIKNI QO'LLAB-QUVVATLASH DAVLAT QO'MITASI

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORI FAOLIYATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA NAZORAT QILISH MARKAZI

COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

THE CENTRE ON COORDINATION OF FUNCTIONING OF THE SECURITY MARKET

700047, Buxoro ko'chasi, 10. Toshkent Sh. Tel.: (3712) 1360635; Faks: 1362687

"__" ________ 200_ yil ________

Sizning ________________ ga

Mazmun:

ҚАРОР 15-07/95 «24» Октябр 2001й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки Қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки Қўмитасининг 2001 йил 18 апрелдаги 34-1-сонли буйруғига, «Хонқа дон махсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил 23 июлдаги умумий йиғилиши қарорига хамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки Қўмитаси Хоразм вилоят бошқармасининг 2001 йил 27 августдаги 641-кт-сонли буйруғига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. «Хонқа дон махсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти томонидан эмиссия рисоласига ўзгартириш киритиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;
- «Хонқа дон махсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил 23 июлда бўлиб ўтган умумий йиғилиш баёни нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитаси Хоразм вилояти бошқармасининг 2001 йил 27 августдаги 641-кт-сонли буйруғи нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Хонқа тумани хокимининг 2001 йил 27 сентябрдаги 391-сонли қарорининг нусхаси;
- «Хонқа дон махсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятининг янги тахрирдаги низомининг асл нусхаси;
- бизнес режа;
- акциялар эгалари хақида 2001 йил 2 октябр холатидаги Марказий депозитарий маълумотномаси;

II. Марказ томонидан 2001 йил 12 мартда Р 0283-3-рақам билан рўйхатга олинган «Хонка дон махсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти эмиссия рисоласининг III-қисмининг 1 бандининг охирига қуйидаги сўзлар қўшиб ўқилсин;

«1. Давлат улушига тегишли бўлган эгаси ёзилган оддий акциялар-25% ёки 50 041 500 сўм миқдоридаги номинал қиймати 100 сўм бўлган 500 415 дона акциялар»;

65

«2. Меҳнат жамоаси аъзоларига тегишли бўлган эгаси ўзилган оддий акциялар-9,1% ёки 18 230 800 сўм миқдоридаги номинал қиймати 100 сўм бўлган 182 308 дона акциялар.»;

«3. Эркин савдода сотиш ва чет эл инвесторлари улуши 65,9% ёки 131 893 900 сўмлик номинал қиймати 100 сўм бўлган 1 318 939 дона акциялар ушбу акцияларнинг барчаси сотилганлиги инобатга олинсин.»;

III. Марказнинг рўйхатга олиш ва лицензия бериш бошқармасига:

- Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини муфовиқлаштириш ва назорат қилиш Марказида 2001 йил 12 мартда Р0283-3-рақам билан рўйхатга олинган «Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятининг эмиссия рисоласига ўзгартириш киритиши муносабати билан акциялар чиқарилуви Ягона давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- Ушбу қарорни бир нусхасини «Хонқа дон махсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига, бир нусхасини Марказий депозитарийга маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун тақдим қилиш топширилсин.

IV. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг рўйхатга олиш ва лицензия бериш бошқармаси бошлиғи Ғ.М. Атахонов зиммасига юклатилсин.

Марказ Бош директори М.С. Юнусматов

66